

ISSN: 2542-0348

ИНТЕРНАУКА

НАУЧНЫЙ

ЖУРНАЛ

ЧАСТЬ 2

12(94)



internauka.org

г. Москва

ИНТЕРНАУКА
internauka.org

«ИНТЕРНАУКА»

Научный журнал

№ 12(94)
Апрель 2019 г.

Часть 2

Издается с ноября 2016 года

Москва
2019

Председатель редакционной коллегии:

Еникеев Анатолий Анатольевич - кандидат философских наук, доцент, доцент кафедры философии КУБГАУ, г. Краснодар.

Редакционная коллегия:

Авазов Комил Холлиевич - старший преподаватель;
Бабаева Фатима Адхамовна – канд. пед. наук;
Беляева Наталия Валерьевна – д-р с.-х. наук;
Беспалова Ольга Евгеньевна – канд. филол. наук;
Богданов Александр Васильевич – канд. физ.-мат. наук, доц.;
Большакова Галина Ивановна – д-р ист. наук;
Виштак Ольга Васильевна – д-р пед. наук, канд. тех. наук;
Голованов Роман Сергеевич – канд. полит. наук, канд. юрид. наук, MBA;
Дейкина Алевтина Дмитриевна – д-р пед. наук;
Добротин Дмитрий Юрьевич – канд. пед. наук;
Землякова Галина Михайловна – канд. пед. наук, доц.;
Канокова Фатима Юрьевна – канд. искусствоведения;
Кернесюк Николай Леонтьевич – д-р мед. наук;
Китиева Малика Ибрагимовна – канд. экон. наук;
Коренева Марьям Рашидовна – канд. мед. наук, доц.;
Напалков Сергей Васильевич – канд. пед. наук;
Понькина Антонина Михайловна – канд. искусствоведения;
Савин Валерий Викторович – канд. филос. наук;
Тагиев Урфан Тофиг оглы – канд. техн. наук;
Харчук Олег Андреевич – канд. биол. наук;
Хох Ирина Рудольфовна – канд. психол. наук, доц. ВАК;
Шевцов Владимир Викторович – д-р экон. наук;
Щербаков Андрей Викторович – канд. культурологии.

И73 «Интернаука»: научный журнал – № 12(94). Часть 2. – М., Изд. «Интернаука», 2019. – 68 с.

Содержание

Статьи на русском языке	5
Экономика	5
У МЕНЯ ЕСТЬ МЕЧТА: МЕГАРЕГИОНАЛЬНЫЕ ТОРГОВЫЕ СОГЛАШЕНИЯ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА Жумабаев Санжар Муратович	5
О ВОЗМОЖНОСТИ НЕЙТРАЛИЗАЦИИ САНКЦИЙ И ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ КРИЗИСА Касимова Джаминат Магомедовна	9
МЕТОДЫ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА Керимов Фазиль Джамиль Керимова Минура Хаджи, Новрузова Гюльшан Курбан, Бабакишиева Севиндж Фируддин, Исмаилов Заур Эльзам	14
МОНИТОРИНГ ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ Исаева Шамсият Магомедовна Магомедова Азман Хасбулаевна	17
РАЗВИТИЕ И СТАНОВЛЕНИЕ АУДИТА В КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ Юнусалиева Хурматой Кодирали кизи	19
Юриспруденция	21
ФОРМИРОВАНИЕ УСТАВНОГО КАПИТАЛА АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА Бу Тхи Киеу Оань	21
О ЦЕЛЕСООБРАЗНОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ К ОТВЕТСТВЕННОСТИ ПО СТ. 176 УК РФ, ЖЕЛАЮЩИХ ПОЛУЧИТЬ ЛЬГОТНЫЕ УСЛОВИЯ КРЕДИТОВАНИЯ ЗА ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ ЗАВЕДОМО ЛОЖНЫХ СВЕДЕНИЙ КРЕДИТНЫМ ОРГАНИЗАЦИЯМ Жуков Владислав Алексеевич Николаева Юлия Валентиновна	24
МЕЖДУНАРОДНАЯ ОХРАНА АВТОРСКИХ ПРАВ Замилацкая Елена Сергеевна	26
КУЛЬТУРНО-ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ В ЖИЛИЩНОЙ СФЕРЕ Смирнова Виктория Андреевна	28
Papers in English	30
Medicine and pharmacology	30
EVALUATE EFFECTIVENESS TEACHING REHABILITATION SCHOOL PATIENT'S MYOCARDIAL INFARCTION WITH PATHOLOGICAL Q WAVE BASED ON ECHOCARDIOGRAPHIC PARAMETERS Ergashali Tursunov Surayyo Shukurdjanova Dilfuza Yarmukhamedova Hasan Omarov	30
ANXIETY AND DEPRESSION IN PATIENTS WITH CORONARY ARTERY DISEASE UNDER 45 YEARS OLD PATIENTS Zulfiya Shoalimova Hasan Omarov Nodirbek Yuldoshev	33
Earth science	36
SPATIAL VARIABILITY OF COMPOSITIONAL PROPERTIES OF THE LATE WEICHSELIAN SURFICIAL TILLS IN KURZEME. WESTERN LATVIA Aleksandr Savvaitov Georgii Konshin	36

Pedagogy	42
APPROACHES TO TEACHING WRITING IN ESL CLASSES	42
Turdiyeva N. Nasimova S.	
PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF RIVER COMPETENCE OF STUDENTS IN TEACHING ENGLISH LANGUAGE IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS	45
Oyzoda Umarova Bahora Azizova	
Қазақ тілінде мақалалар	47
Математика	47
МАТЕМАТИКА ТАРИХЫНДАҒЫ ГУМАНИТАРЛЫҚ ҒЫЛЫМДАРДЫҢ ЗЕРТТЕУЛЕРІ	47
Ашимова Райхан Болатжанкызы Қыржибаева Каламкас Нургазыевна	
Медицина және фармакология	49
ШАШ КҮТІМІНЕ АРНАЛҒАН БАЛЬЗАМДАРДЫҢ ҚҰРАМЫ, КОСМЕТИКАЛЫҚ ӘСЕРІ ЖӘНЕ ӘСЕР ЕТУ МЕХАНИЗМІ	49
Омар Гүлайна Төреханқызы Қожанова Қалданай Қаржауовна	
КОСМЕТИКАЛЫҚ САБЫНДАР: СИПАТТАМАСЫ, ЖІКТЕЛУІ, ҚАСИЕТТЕРІ ЖӘНЕ САПАСЫНА ҚОЙЫЛАТЫН ТАЛАПТАР	52
Оразбек Камила Оразбекқызы Қожанова Қалданай Қаржауовна	
O'zbek tilida maqolalar	55
Tibbiyot va farmakologiya	55
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ОРАСИДА ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КҮРИКЛАР НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА КАСАЛЛАНИШНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ	55
Эрматов Низом Жумакулович Тажиев Темур Мухамад ўғли Қурбонов Аслиддин Шералиевич	
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШНИ БАҲОЛАШГА ҚҪЙИЛГАН ГИГИЕНИК ТАВСИЯЛАР	58
Эрматов Низом Жумакулович Тажиев Темур Мухамад ўғли Қурбонов Аслиддин Шералиевич	
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ ҲОЛАТИ	60
Эрматов Низом Жумакулович Ахмадходжаева Муножат Муталибжановна Тажиев Темур Мухамад ўғли Қурбонов Аслиддин Шералиевич Турсунова Нигора Анваровна	
Filologiya	63
BUXORIYNING BAROKATI YOG'GAN VATAN YOXUD O'ZBEKISTON XALQ SHOIRI HALIMA XUDOYBERDIYEVANING IJODI BIZNING NIGOHIMIZDA	63
Hayitboyev Yorqinjon O'Rmonali O'G'Li	
Iqtisodiyot	66
SOLIQ HISOBOTINING YANGI SHAKLLARI	66
Seydabdullayev Yaxyo Otaxonovich	

O'ZBEK TILIDA MAQOLALAR

TIBBIYOT VA FARMAKOLOGIYA

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ОРАСИДА
ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИКЛАР НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА
КАСАЛЛАНИШНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ*Эрматов Низом Жумакулович**Ўзбекистон Республикаси Тошкент Тиббиёт академияси
Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудири,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент**Тажиев Темурали Мухаммад ўғли**Ўзбекистон Республикаси Тошкент Тиббиёт академияси
Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси болалар ва ўсмирлар гигиенаси йўналиши
магистр талабаси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент**Қурбонов Аслиддин Шералиевич**Ўзбекистон Республикаси Тошкент Тиббиёт академияси
Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси болалар ва ўсмирлар гигиенаси йўналиши
магистр талабаси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент*

Аннотация. Хоразм вилоятидаги мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар натижалари асосида тор мутахассислар томонидан респиратор ва алергик касалликлар учраш даражаси юқорилиги аниқланди. Мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида ошқозон ичак тизими касалликлари, темиртанқислик касалликлари аниқланмаганлиги тиббий кўрикларнинг самарали тарзда ташкиллаштирилмаганлигидан далолат беради.

Муаммонинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони [1, с. 12], 2017 йил 20 июндаги ПК-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [1, с. 8], 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги [1, с. 16], Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилди.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, ноқулай экологик минтақалардаги болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланишини яхшилаш турли соматик касалликларни камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида

«...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори техноологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолининг турли қатламлари орасида соматик касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ёш авлоднинг меъёрий даражадаги ўсиш ва ривожланишини яхшилаш имконини беради.

Ҳозирги тараққиёт даврида мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш ва уни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир [4, с. 24]. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг саломатлик ҳолатини уларнинг гормоник ўсиш ва ривожланишини бегиловчи, атроф-муҳитнинг ноқулай

омилларга қаршилик даражасини оширувчи, интеграл кўрсаткичлардан биридир [5, 6, 7, 8].

Бирок, шунга қарамадан бугунги кунда болалар ва ўсмирлар орасида айрим касалликларнинг даражаси юқориликча қолмоқда. Шуни инобатга олиб, мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида касалланиш ҳолатини гигиеник баҳолашни ўз олдимизда мақсад қилиб олдик.

Ишнинг мақсади. Мактабгача таълим ёшидаги болалар касалланиш ҳолатини ўрганиш ва гигиеник таҳлил қилишдан иборат.

Текшириш материаллари ва усуллари. Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги мактабгача таълим муассасида тарбияланаётган 2-7 ёшгача бўлган 330 нафар болалар олинди. Уларнинг касалланиш маълумотлари шахсий карталари 026 шакл ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар натижалари бўйича таҳлил қилинди. Касалланиш маълумотлари саломатлик билан боғлиқ «Халқаро касалликлар статистик таснифи ва муаммолари» 10-кўрик (КХТ-10) бўйича ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг тиббий кўриклари педиатр, эндокринолог, ревматолог, отолоринголог, офтолмолог ва бошқа тор мутахассислари иштирокида амалга оширилган. Уларнинг саломатлик ҳолати ва касалланиш даражаси Хоразм вилояти Урганч туманидаги марказий оилавий шифохоналар маълумотлари асосида ўрганилди.

Олинган натижаларнинг таҳлили. Мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида юқумли касалликлардан А гепатит (0,5%)ни ташкил қилди. Назорат остига олинган мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида соматик касалликларнинг учраш сони куйидаги даражани, яъни: қатор шамоллашлар ва грипп асорати натижасида юзага келган ўткир респиратор касалликлар сони (4,2%) ни, сурункали тонзилит-4,17%, бронхит-6,47%, конъюнктивит-2,7%, миопия 3,4%, отит-2,4%, аллергия касалликлар-5,6%, жаррохлик касалликлари-1,2%, ортопедик касалликлар-1,5%, катарал ангина-7,5% ни ташкил қилди. Мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида эндокрин тизими касалликлари 4,5% аниқланган, бу эса тиббий кўрикларни самарали тарзда ўтказилмаганлигидан далолат беради. Мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида минтакавий аҳамиятга эга бўлган буйрак ва айирув тизими, ошқозон ичак тизим ва темиртанқислик камқонлик касалликлари аниқланмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори.
4. «Международной статистической классификации болезней и проблем, связанных со здоровьем» Дестого пересмотра (КХТ-10), 1993.
5. Шайхова Г.И. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси. Тошкент .2011. С.535.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида энг кўп тарқалган касаллик нафас олиш тизими касалликларидан бронхит кенг тарқалганлиги аниқланди. Текширилган болалар орасида нафас олиш тизими касалликлари учраш сонининг ошиши биринчи навбатда иммунитетнинг пасайиши ва грипп вирусли ноэтиологик касаллиги ҳисобланса, иккинчи томондан организмнинг қаршилик даражасининг пасайиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида касалликлар тарқалиши кўрсаткичларининг ошиши улар орасида ва мактабгача таълим муассасаларида кун тартибининг издан чиққанлиги, соғлом овқатланиши тартибининг бузилганлиги ва унга риоя қилмаслик, карбонсувларни сақлайдиган маҳсулотлар миқдорининг таомномада кўплигидандир. Кунлик рацион таркибида етарли даражада мева ва сабзавотларнинг истеъмол қилинмаганлигидандир. Бу борада ДСЭНМ ходимлари томонидан қатор мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Болаларнинг саломатлик гуруҳларига ажратиш натижалари куйидагича бўлиб, 1 саломатлик гуруҳидаги болалар сони 23,3%ни, 2- саломатлик гуруҳидаги болалар сони эса 65, 8%, 10,9% болалар эса 3-саломатлик гуруҳига киритилганлиги аниқланди. Болаларнинг жисмоний ривожланиш даражаси таҳлил қилинмаганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижалари асосида шуни таъкидлашимиз жоизки, мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида кун тартиби оқилона ташкиллаштирилмаганлиги, йиллик тиббий кўрикларнинг самарадорлиги ва сифати муассасасида тартибсиз ҳолатда ташкиллаштирилганлиги, чуқурлаштирилган тиббий кўриклар, лаборатор ва инструментал текшириш натижаларининг сифати ва самарадорлиги пасайганлиги, болалар орасида соғлом турмуш тарзи ва тамойилларига риоя қилинмаганлиги, соматик касалликлардан бронхит ва аллергия касалликларининг сони ошишига олиб келган. Ушбу касалликларнинг олдини олиш учун болалар орасида профилактик ишлар амалга оширилмаганлигидан далолат беради. Мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида даврий тиббий кўрикларни ташкиллаштириш ва бу борада муассаса раҳбарияти ва тиббий ходимларнинг маъсулиятини ошириш зарур ҳисобланади.

6. Атласова И.В., Трушина О.Ю., Горбунова В.И. Здоровый образ жизни дошкольника //Справочник фельдшера и акушера. –2008. –№9. –С. 59-63.
7. Баранов А.А., Кучма В.Р., Скоблина Н.А. Физическое развитие детей и подростков на рубеже тысячелетий: Метод. рек. – М., 2008. – 25 с.
8. Кучма В.Р. Оценка риска влияния факторов окружающей среды на здоровье детей и подростков //Гигиена и санитария. 2002. -№6. - С. 51-53.